

---

Япониянинг «РОТОБО» компанияси делегацияси аъзолари Марғилон шаҳрига ташрифи давомида 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб Япония таълим тажрибаси синов тариқасида жорий этилган шаҳардаги 9-умумий ўрта таълим мактабида ҳам бўлдилар.

Вилоят ҳокими Х.Бозоров ҳамда вилоят ҳокимининг Япония таълим тажрибасини синов тариқасида татбиқ этиш бўйича япониялик маслаҳатчиси Гото Микаколар ташаббуси билан Фарғона вилоятидаги 18 та умумий ўрта таълим мактабларида, хусусан шаҳримиздаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич ва юқори синфларида ҳам япон таълим тажрибаси жорий этилди.

Япониялик делегация аъзолари ушбу мактабда Япония таълим тажрибаси асосида таълим ва тарбия уйғун ҳолда олиб борилаётгани, ўқувчиларга тозалikka риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини болалиқдан ўргатиш ҳамда уларни ёшлиқдан касбий таълимга йўналтириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Ташриф давомида япониялик меҳмонлар мактабда Япония таълим тажрибасини йўлга қўйишда эришилган ютуқлар ҳамда ушбу тизимни янада мукамал ташкил этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича ўзларининг таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдиришди.

2023-09-16 18:52:11